ЖАМИЯТ

№ 43
(912)
2024 йил
24 октябрь,
Пайшанба

2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета



Халққа бахшида ҳаёт

Янги Ўзбекистон деганда сиз нимани тушунасиз? Бу саволга ҳаётдан мисол келтириш орқали изоҳ берсак. Йиллар мобайнида ижара уйларда яшаб, сарсони чиқиб кетган оила янги барпо этилган уйлардан жой олди. Хонадоннинг деворлари ярақлаган, кенг ва шинам. Иссиқ ва совуқ сув одамлар хизматида. Янги кўчиб кирган уй бекаси ҳаяжондан: “Худди бошқа оламга кириб қолгандекман!” дейди. Ана шу янги олам бу — янги Ўзбекистон. Инсоннинг бахтиёр ва фаровон яшаши учун барча шароит муҳайё бўлса, билингки, сиз янги Ўзбекистондасиз. Бу ерда инсон манфаатлари ҳамма нарсадан улуғ.



Хўш, ана шу янги Ўзбекистон қандай қуриляпти? Тарих фанлари доктори, профессор Карим Норматовнинг яқинда нашр этилган “Янги Ўзбекистон бунёдкори” сарлавҳали сиёсий эссесини ўқисангиз, ана шу тарихий жараёндан воқиф бўласиз. Китоб уч бобдан иборат бўлиб, ҳар бир боб 2 ва 3 йўналишни ўз ичига олган. Дастлабки боб — “Жадид боболар ибрати — замонавий жадидчилик асоси, кадрлар етиштиришнинг илмий-концептуал муаммолари” деб аталади. XIX асрнинг охиридан XX асрнинг 20-йилларигача фаолият кўрсатган жадидлар ҳаракатини миллий ўзликни англаш, истиқлол ва давлатчилик ғоялари ривожи Ватанимиз тарихида чуқур из қолдирилганини таъкидлайди. Жадидларнинг эзгу ғояси “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган калом билан аталади. Муаллиф жадидлар ҳаракатини фидойилик ва жасорат мактаби, деб баҳолайди. Шу маънода, уларнинг ибрати бугунги кунимиз учун асос бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бу ҳақда шундай фикр билдиради: “Жадидлар фаолиятини янада чуқур ўрганиш Янги Ўзбекистонни қуришда барчамиз, аввало, ёшларимиз учун чинакам ибрат мактабига айланади”.

Муаллиф жадидларнинг оғир қисмати ҳақида академик Наим Каримов, профессор Қиём Назаровнинг фикрларига таянади. Гап шундаки, бугунги кун ёшлари халқимиз ўтмишини яхши билсинлар.

Қоҳирадаги “Ўзбекия боғи” ҳақидаги ҳикоянинг ўзи бир достон. 1926 йилда тамал тоши қўйилган китоблар кўргазмасидан бугун ҳам зиёлилар баҳраманд бўлаётган экан.

Карим Норматов Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 12 декабрдаги ялпи мажлисида “Маърифат ва диний бағрикенглик” махсус резолюцияси жаҳон афкор оммасида қандай акс садо берганлиги ҳақида ёзади.

Президентимиз ташаббуси билан бугун маърифатпарвар жадид боболаримизнинг ибратли ҳаёт йўли, бой илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш ва фаол тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошираётгани ҳаммага маълум. Шу мавзуда қатор бадиий ва ҳужжатли фильмлар суратга олингани, ўнлаб тарихий сиймоларимиз, маърифатпарвар жадидлар ҳақида болалар ва ёшлар учун асарлар яратишни давлат буюртмаси асосида қўллаб-қувватлашга киришгани юртдошларимиз томонидан катта қувонч билан кутиб олинди.

(Давоми 2-саҳифада)

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси

ЎЗБЕКИСТОН СТРАТЕГИЯСИ | 2030

ИНСОН САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ — УСТУВОР МАҚСАД

Бугун мамлакат тараққиётини таъминлаш мақсадида бир қатор ислоҳотлар ва янги ташаббуслар амалга оширилмоқда. Таълим, илм-фан, тиббиёт ва спорт соҳаларида аҳамиятли ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу соҳалардаги янги ташаббуслар ва амалий тадбирлар фуқароларнинг билим ва малакасини ошириш ҳамда уларни ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишларига ёрдам бермоқда.

Ўз навбатида, ҳар бир фуқаро учун ўзига хос имкониятлар яратиш, таълим тизимини модернизация қилиш, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ижтимоий ҳимояни мустаҳкамлаш каби йўналишларда кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Хусусан, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастурининг “Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитларни яратиш” йўналиши бўйича 2024 йил 1 октябрь ҳолатига амалга оширилган ишлар таҳлил қилинганда қўйидагиларни кўришимиз мумкин.

(Давоми 3-саҳифада)



Мулоҳаза

БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ...

Баъзида ижтимоий тармоқларда қўшни ва қардош юрт вакилларининг тарих, адабиёт, тил ҳақида баҳсларига аралашиб қоламан. Ҳамма кўрпани ўзига тортишни истайди. Бу ҳам аслида бир ярим аср илгари Чор Россия ва Совет ҳукумати Туркистон ҳудудида экиб кетган адоват уруғларининг аччиқ меваси, холос. Бугунги кунда тарихий шаҳарларни, алломаларни талашиш замирида ҳам қадим Туркистон тупроғида барқарорлик ва дўстлик ҳукм суришини, Турон халқларининг бирлашинини истамаётган, империалистик даъводаги кучларнинг истак ва иддаолари мужассам.

Афсуски, ана шу парда ортидаги “қўғирчоқбоз”лар найрангидан бехабар айрим қардошларимиз шовинистик кайфиятга берилиб, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ўзлаштиришга, ўзларини улуғлаб бошқаларни камситишга ҳаракат қилишмоқда. Бу ҳолатни Марказий Осиёдаги ҳар бешала мамлакатга тегишли кўплаб зиёлилар фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.

(Давоми 6-саҳифада)

Халққа бахшида ҳаёт



(Бошланиши 1-саҳифада)

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон аҳли билан мулоқот ва машварат қилиб, яшаш бўйича янги тизимга асос солмоқда. Халқ қабулхоналари институти ўзбек миллий давлатчилиги мактабига мансуб адолатпарварлик ҳамда ҳақиқатни амалда юзага чиқариш анъаналаридан қувват олди. Давлатимиз раҳбари бугун барчамизни халқ қалбига қулоқ солишга, одамларнинг дарду ташвишларини астойдил тинглаш ҳамда муаммоларини ҳал этишда амалий ёрдам беришга даъват этмоқда. Бу борада айрим амалдорларнинг онгида қотиб қолган эскича ишлаш принциплари ҳаётимизга ёт ғоя эканлигини танқид қилиб, буюк жадид шоиримиз Абдулҳамид Чўлпон айтганидек, қучоқ очиб халқ ичига бориш, уларнинг армонларини ушалтириш ва орзуларини рўёбга чиқаришдек улуғ мақсадларга йўналтирмоқда.

Давлатимиз раҳбари барчамизнинг қозонимиз ҳамиша қайнаб, дастурхонимиз нозу неъматлардан фаровон бўлиб, қўлимизни узатсак, узоқ-узоқларга етишини истаб ғайрат-шижоат кўрсатишга, дардингиз бўлса айтинг, давлатимиз сиз, азизларга хизмат қилади. Ватаним — бу Янги Ўзбекистон учун ҳар биримиз шу юртда бундан буён фақат ҳушёр ва огоҳ бўлиб, биз шу халқ фарзандимиз, шу диёр учун ҳам фуқаро, ҳам раҳбар сифатида фидойи бўламиз, тўқ фаровон ҳамда гўзал ҳаётимиз завқу шавқини сурамиз десангиз, олға интилиб, юксак марраларни бирга забт этайлик, деб янги шарафли зафар сари ундаяпти!

Сиёсий эссе муаллифи қаршисида ёш ва навқирон инсонлар турганини ҳар дақиқа ҳис қилиб, мураккаб фалсафий ифодалардан сақланиб, содда, халқона таърифларга мурожаат қилади.

Ҳамиша халқ дарду ташвиши билан яшашга ундаётган давлатимиз раҳбари жойларда бўлаётган иқтисодий ислоҳотларнинг боришини бевосита кузатиш, одамлар фикрини аниқлаш, муайян хулоса қилиш учун вилоятларга тез-тез ташриф буюради. Президентнинг бундай ташрифлари каби видеоселектор йиғилишларида ҳам муҳокама қилинаётган масалаларнинг барча жиҳатларни қамраб оладиган вазирликлар, идора, вилоят ва шаҳар (туман) ташкилотлари раҳбарлари ҳамда етакчи мутахассисларининг қатнашиши бўлғуси раҳбарларни тайёрлашга ёрдам бермоқда. Сиёсий етакчининг вилоятлар, шаҳар ва туманлардаги йиғилишларида ҳар қандай раҳбар ўзи эшитиб, Президент билан мулоқотга киришиб, шу ернинг ўзида масалалар ечими ҳал бўлади.

Янги Ўзбекистонда халқни рози қилиш — барча раҳбарларнинг энг устувор вазифаси. Халқнинг ишончини, меҳрини қозониш эса энг олий саодатдир. Янги давлатни барпо этиш ва фақат раҳбарларнинг эмас, барчамизнинг ишимизга айланмоғи лозим. Бу улуғ мақсадга эришиш учун ҳамманинг биргаликда ҳаракат қилиши талаб этилади.

2020 йил Ўзбекистонимиз учун жуда оғир келди. Сардоба тошқини, дунёни эсанкиратган коронавирус хуружи, Бухородаги табиий офат мураккаб дамларда ностандарт қарорлар қабул қилишни талаб этади. Ана шундай талатўп даврда Шавкат Мирзиёевнинг чинакам ташкилотчилик қобилияти яққол намоён бўлди. Бу ҳақда ушбу китобда муфассал баён этилган.

Янги Ўзбекистонни барпо этишда халқнинг қудратли кучини эзгу мақсадга сафарбар этиш Президент раҳбарлигида алоҳида ўрин тутади. Зеро, улкан вазифага катта куч талаб этилади. Муайян ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий жараёнини бошқариш бўйича тегишли фармон ва қарорлар, лойиҳалар Тошкентда — кабинетда эмас, ҳудудларнинг ўзида марказий идоралар, маҳаллий ташкилотлар вакиллари ва тадбиркорлар билан ишлаб чиқилди. Бундай ташрифга тайёргарлик ва уни ўтказиш мобайнида мутасадди ташкилотлар томонидан юзлаб лойиҳа тайёрланади ҳамда улар ичидан энг самарадорлари танлаб олинади. Таҳлилларга кўра, мазкур лойиҳаларни бажариш ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига катта туртки беряпти ва аҳоли турмуш даражасини сезиларли равишда оширишга хизмат қиляпти. Бундай ёндашувни муаллиф Хитой жамияти меъмори Дэн Сияпиннинг Мамлакатни ҳудудлараро рақамлаштириш методига менгзайди.

Минтақамиздаги ён қўшнилар билан алоқаларни яхши йўлга қўйишнинг ўзи катта достонга муносиб мавзу. Китоб муаллифи бу борадаги аввалги аянчли аҳволни контраст сифатида келтиради. Шу тариқа Марказий Осиёдаги барча тўсиқларни парчалаш, азалдан қон-қардош бўлган халқларнинг бирлашувини йўлга қўйишни бутун дунёда эътироф этилаётган ўзбек дипломатиясида янги саҳифа очилганлигини таъкидлайди. Юртбошимиз нафақат ташқи сиёсатда, балки ички масалаларда ҳам инсонлар манфаатини ўйлаб қарорлар қабул қилди. Амалда йўқотиб юборилган мактабгача таълим тизими янгидан тикланди. Тасаввур қилинг, бола айни шаклланаётган пайти, яъни 3 – 7 ёшида у билан ҳеч ким шуғулланмайди. Бу аслида келажакка хиёнат эмасми? Ўтган йиллар давомида собиқ тузумдан қолган болалар боғчалар талон-торож қилинди. Натижада камида йигирма йил давомида болаларимизни, эртанги кунимизни токи мактаб ёшига етгунча уйда қолдирдик.

Ўзбекистон Президенти тарихда биринчи марта мамлакатда яшаётган ҳар бир камбағални ҳисобга олишни буюрди ва камбағалликка қарши Ўзбекистонда кураш бошлади. Камбағалликни бартараф этиш учун давлат бош ислоҳотчига айланди. Муомала тилидан чиқариб ташланган “Камбағаллик” сўзи кун тартибига чиқди.

Камбағалликни тугатиш борасида “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” лойиҳалари мамлакат бўйлаб татбиқ этилди. Тўғри, барча муаммоларни қисқа вақт ичида ечиш мушкул. Лекин ҳамма вақт илк қадамни қўйиш осон бўлмайди. Биринчи қадам ташландими, демак, иш олдинга силжий бошлайди.

Китобнинг II бобида “Раҳбар баркамоллиги ва инсон капитали — миллий тараққиётнинг ҳал қилувчи омили” деган ном билан аталади. Ушбу боб ҳам Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг бугунги кундаги одимлари ҳақида. Публицист ушбу боб аввалида икки сўз — кадр ва қадр сўзларини айрича шарҳлайди. Қадрли инсон — у кадр, инсон эса ҳар қандай вазиятда қадрланади. Инсонлар — турли миллат ва элатлар бир мақсад учун курашиб, қадр топиб яшайдилар. Сиёсий эссе муаллифининг фикрича, бу иккала калом ҳам эзгулик йўлида хизмат қилади. Карим Норматовнинг хулосаси — кадр қадрланади, билъакс, қадрланиши кадрга таянади. Унинг тиргагига айланади.

Бугун дунё ўзгарди. Шу дунё узра Янги Ўзбекистон бутунлай ўзгарди. Инсон қадр-қимматини Президент ва давлат даражасида эъзозланмоқда. Ўзбекистон фуқароси руҳиятида Ватанга муҳаббат, давлатга, Президентга мутлақ ишонч пайдо бўлди. Энг муҳими, бу тарихий жараён давом этаётир, такомиллашаяпти, бойимоқда.

Ўзбекистонда турли миллат вакилларининг аҳил ва иноқ яшаётгани ҳам жамиятимизнинг муҳим ютуғидир. Бу ҳақда сўз кетар экан, муаллиф умумий гаплардан қочиб ҳаётимиздаги аниқ тақдирлар ҳақида исми шарифларини тилга олади. Уларнинг юртимизда ҳавас қиладиган даражада яшаётганларини мисол келтиради.

Навбатдаги III боб “Янги кадрлар стратегик тараққиётнинг истиқболи — етти йилликнинг ғоявий-мафкуравий долзарб вазифалари” деб аталади.

Бу ўринда муаллиф Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий ижодида эл-юртни бошқаришга масъул раҳбарга қўйиладиган талаблар ҳақида фикрлар келтирилган. Айни пайтда даврий матбуотда Янги Ўзбекистондаги жараёнлар ҳақида ёритилган публицистик мақолаларга эътибор беради. Хусусан, “Халқ сўзи” газетасида чоп этилган Қудратилла Рафиқовнинг “Шавкат Мирзиёев: Мен умримни шу халққа тикканман!” сарлавҳали мақоласи хусусида сўз очади. Унда сиёсатшунос билдирган фикр эътиборлидир. “Аммо мени ҳайрон қолдирадиган бир ҳолат бор: таълим соҳасида шунча янгиланишлар олиб борилаётган экан, ўқитувчилар, профессору академикларнинг қадри юксалаётган экан, нега зиёлиларимиз бу ўзгаришлар ҳақида гапирмайди ёки мулоҳазалари ўзаро гурунглардан юқорига кўтарилмайди”. Халқимизга лоқайдлик, томошабинлик ҳамон хос хусусият бўлиб қоляптими?

“Янги Ўзбекистон қуришдан асосий мақсад, — деб ёзади К. Норматов, — ҳар бир ишга танқидий таҳлил руҳида қараш, қонун устуворлигини таъминлаш, тартиб-интизомга қатъий риоя этиш орқали ривожланган мамлакатлар қаторига чиқишдир”.

Дарвоқе, раҳбар баркамоллик намунаси — бу халқ ишончи, уни руҳлантириш, улуғ мақсад сари йўналтириш каби машаққатли ва масъулиятли фаолият.

Китоб муаллифи ўзи тадқиқ этган кузатишларни якунлар экан, Юртбошимиз серқирра фаолиятининг маъно-мазмунига айлаган кейинги етти йил давомида мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислоҳотларнинг марказида бўлаётган миллий мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш одамларни ҳаётдан рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу тушунчалар мазкур китобнинг бош ғояси, асосий лейтмотивини ташкил этади. Ушбу китобни ўқиган муштарий бунга ишонч ҳосил қилади.

Музаффар ҲОЖИБОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазирлиги
Академияси профессори, тарих
фанлари доктори.



ИНСОН САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ — УСТУВОР МАҚСАД

(Боши 1-саҳифада)

Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантириш ҳамда ёшларнинг билим ва малакаларини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида таълимнинг сифати ва самарадорлигини таъминлаш мақсадида бир қатор муҳим тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг малумотларига кўра 10 160 та мактабга бирламчи спорт жиҳозлари ва миллий чолғу асбоблари етказиб берилди. Мазкур ишлар ёшларнинг жисмоний ва маънавий ривожланишини таъминлашга, уларни халқ маънавиятига ва маданиятига яқинлаштиришга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга 2 213 та мактабга замонавий компьютер синфлари ўрнатилиб, ёш авлодга замонавий ахборот технологиялари бўйича таълим олиш учун зарур шароитлар яратилди. Мактаб ўқитувчиларининг профессионал ривожланишини таъминлаш мақсадида 1 419 нафар мураббий орасидан 120 нафари танлаб олиниб, Францияниг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда 30 соатга мўлжалланган курсларида қатнашиб, ўқитувчиларнинг билим ва малакасини янада оширишга кўмаклашилди.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш, аҳолининг тиббий хизматларга бўлган талабларини қондириш ва инсон саломатлигини яхшилаш учун комплекс чора-тадбирлар белгиланиб амалга оширилмоқда. Жумладан, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра “Тиббиёт ахборот тизими” асосида имтиёзли йўлланма модули ишга туширилиб, 806 та давлат тиббиёт муассасалари ва 37 та хусусий шифохоналар фойдаланиб келмоқда. Ушбу рақамли платформа аҳолига тиббий хизматларга тез ва осон равишда мурожаат қилиш имконини яратди.

Санитария ва эпидемиология соҳасини ривожлантириш мақсадида Санэпидқўмита тизимидаги 24 та лаборатория халқаро аккредитациядан ўтказилди. Ушбу жараён Ўзбекистонда санитар-эпидемиологик хизматлар сифатини халқаро стандартларга мос келадиган даражага кўтаришга ёрдам берди.

Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш ва аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш мақсадида давлат томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Оғир вазиятга тушиб қолган оилаларга кўмак кўрсатиш учун “E-case” электрон модули йўлга қўйилди. Ушбу тизим кейс-менежмент усули орқали шахсларнинг эҳтиёжларини аниқлаш ва мақсадли ёрдам кўрсатиш имкониятини беради.

Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш учун e-learning.istc.uz онлайн таълим платформаси ишга туширилди. Жумладан, 1 450 нафар ижтимоий ходим ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни парвариш қилиш бўйича ўқитилди.

Бундан ташқари, Республика “Хотин-қизлар тадбиркорлик маркази” таркибий тузилмаси ва штат бирликлари шакллантирилди. Марказлар мамлакатда хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қилиш, уларнинг бизнес гояларини ривожлантириш ва молиявий мустақиллигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.

Хотин-қизлар тадбиркорлик марказларида айрим касблар бўйича бепул ва пуллик ўқитиш тизими йўлга қўйилди ҳамда таълим дастурлари хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ва мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ижтимоий барқарорликни таъминлашда алоҳида ўрин тутади.

Таъкидлаш жоизким, Ўзбекистон Республикаси спорт соҳасида ҳам катта муваффақиятларга эришмоқда. Масалан, Париж — 2024 XXXIII ёзги Олимпия ўйинларида спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларнинг 90 нафар спортчиси 19 та спорт туридан лицензияларни қўлга киритди. Бунинг натижасида ёзги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон 13 та медаль (8–2–3) билан 206 та давлат орасида умумий медаллар ҳисобида 13-ўринни, Марказий Осиёда ва МДҲда 1-ўринни ҳамда Осиёда 4-ўринни эгаллади.Худдишунингдек,Паралимпия ўйинларида вакилларимиз 9 та спорт туридан 113 та лицензияларни қўлга киритиб, Ўзбекистон 10 та олтин, 9 та кумуш ва 7 та бронза медалини (жами 26 та) қўлга киритиб, медаллар жадвалида 13-ўриндан жой олди, Осиёда эса Хитой ва Япониядан кейин учинчи бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, инсон салоҳиятини ошириш — бу мамлакатимизнинг барқарор ривожланиши ва ижтимоий фаровонлигини таъминлашдаги асосий мақсадлардан биридир. Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ташаббуслар орқали ҳар бир фуқаронинг билим ва малакасини ошириш, уларнинг фаол иштирокини таъминлаш ва ижтимоий адолатни мустаҳкамлашга эришиш мумкин. Айниқса, ёшларни таълим ва инновацион фаолиятга жалб қилиш, аёлларнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш каби йўналишлар муҳим аҳамиятга эга. Ушбу ташаббуслар, ўз навбатида, жамиятда тенгликни таъминлаш ва ижтимоий барқарорликни кучайтиришга хизмат қилади, бу эса мамлакатимизнинг келажаги учун муҳим омил ҳисобланади.

Рамзиддин НУРИДДИНОВ,
“Тараққиёт стратегияси” маркази эксперти

Таассуф

10 ДОНА “ТАБЛЕТКА” ВА 10 ЙИЛ



Баҳорнинг салқин тунларидан бири. Пойтахт аҳолисининг аксарияти ширин уйқуда, аммо 22 ёшли йигит гиёҳванд моддани олиш учун “Кобальт” русумли автоуловга ўтириб шаҳар ташқарисига йўл олган.

Содиқ Ярашев (исми-фамилия ўзгартирилган) белгиланган жойдан “таблеткани” олаётган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланган. Маълум бўлишича, у ижтимоий тармоқ орқали 2 нафар шериги билан “таблетка” савдоси билан шуғулланиш ҳақида ёзишган. Дастлаб 10 дона “таблетка”ни 7,5 АҚШ доллирига сотган. У шунингдек, 1 грамм кучли таъсир қилувчи гиёҳванд моддани 60 долларга сотиш ҳақида билдириб, кучли таъсир қилувчи психатроп дори қўйилган манзил локациясини ташлаган. Суд экспертизаси хулосасига кўра, Содиқ Ярашевдан олинган дори воситалари кучли таъсир қилувчи гиёҳвандлик воситалари эканлиги тасдиқланган.

Шу ўринда Содиқ Ярашевнинг таржимаи ҳолига назар солсак, у ўрта маълумотли бўлиб вақтинча ишсиз бўлган. 22 яшар йигит муқаддам ўғирлик ва фирибгарлик учун жиноий жавобгарликка тортилган. Бироқ у тегишли хулоса чиқармаган экан. Бу гал у икки нафар шериги билан жиноят содир этган. Мазкур жиноий иш судда атрофлича кўриб чиқилди.

Судда судланувчи Содиқ Ярашев айбига иқрор бўлиб, қилган ишидан пушаймонлигини билдирди. Айтиш керакки, Содиқ бу дорилар олди-сотдиси қонунга биноан таъқиқланганлигини билса-да, даромад топиш мақсадида кучли таъсир қилувчи воситаларни қонунга хилоф равишда ўтказмоқчи бўлган, бироқ Содиқнинг навбатдаги “ови” юришмади. Суд судланувчи Содиқ Ярашев содир этган жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат, деб баҳолаб жазо тайинлади.

Суднинг ҳукми билан Содиқ Ярашев 10 йил муддатга, унинг 2 нафар шеригининг ҳар бири эса 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Қилмиши қора кимсалар ҳозирги кунда қамоқда жазо муддатини ўтамоқда. Айни ўйнаб-куладиган, ўқийдиган ва ишлайдиган даврда уларнинг ҳаёт тарзи бутунлай бошқача бўлиб кетди. Ҳаммасига ўзлари айбдор, бир ҳунарни эгалламади, қонуний даромад топишни ўйламади. Енгил-елпи ҳаёт кечириш уларни шу куйга солди. Уларнинг қисмати бошқаларга ҳам сабоқ бўлиши керак.

Баҳодир ҚАЮМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг судьяси.

МИНТАҚАДАГИ БАРЧА МАМЛАКАТЛАРНИНГ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йил 26 августда имзоланган “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига ШҲТга аъзо мамлакатлардаги нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан ҳам катта қизиқиш билдирилмоқда. Қуйида ушбу ташкилотлар раҳбарларининг фикрлари билан танишасиз.



Çokay Koçar
“Ўзбекистон маданияти-бирдамлик ва ҳамкорлик” уюшмаси бошқаруви раиси (Туркия)

Фармоннинг асосий элементларидан бири фуқаролик ташкилотларини жамият ҳаётининг турли соҳаларида янада фаолроқ роль ўйнашга рағбатлантиришдир. Давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ҳамкорликнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш, ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш учун янги истиқболларни ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бундай ёндашув Ўзбекистон ижтимоий тараққиётига янги суръат бағишлайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг молиявий ва техник инфратузилмасини қўллаб-қувватлаш ушбу ташкилотларга янада самарали ва барқарор лойиҳаларни амалга ошириш имконини беради. Бундан ташқари, шаффофлик ва ҳисобдорлик тамойилларига асосланган янги электрон платформанинг яратилиши жамоатчилик ва фуқаролик жамияти ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатишга хизмат қилади.

Ушбу фармоннинг яна бир муҳим жиҳати фуқаролик жамиятининг халқаро майдондаги ролини кучайтириш ва ушбу ташкилотларнинг хориждаги ўзбек диаспораси билан янада яқин ҳамкорлик қилиш имкониятидир. Бу нафақат Ўзбекистон, балки минтақадаги барча мамлакатларнинг ижтимоий тараққиётига хизмат қиладиган қадам бўлади.



Станислав Королев,
ШҲТнинг Россиядаги Халқ дипломатияси миллий маркази директори (Россия)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган фармони билан ижтимоий шерикликни ривожлантиришнинг бир қатор муҳим механизмлари жорий этилмоқда, зарур имтиёзлар берилмоқда. Белгиланган ишларни амалга оширишда жамоатчилик назоратини таъминлаш кутилган натижаларга эришишда муҳим омил бўлади.

Бу, ўз навбатида, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг молиявий эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, ҳудудлардаги долзарб масалаларни ҳал қилиш, шериклик асосидаги ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар кўплаб долзарб масалаларни ҳал этиш имконини беради.

Шунингдек, ШҲТнинг Ўзбекистондаги Халқ дипломатияси марказининг фуқаролик жамиятининг ўхшаш институтлари билан ҳамкорликда ўзаро ишонч ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш, ШҲТ халқларининг ўзаро бойиши ва яқинлашуви йўлида маданият, таълим, академик алмашинувлар, спорт, оммавий ахборот воситалари, туризм, фан ва техника, соғлиқни сақлаш, анъанавий тиббиёт, халқ ҳунармандчилиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ёшлар алмашинуви соҳаларида самарали ҳамкорликни давом эттиришда муҳим кўмак бўлади.



Илҳом Юсупов,
Суғд вилояти “Ўзбеклар маънавият ва маърифат маркази” раиси (Тожикистон)

Фармон фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг шаффоф ва соғлом рақобат тамойилига асосланган тизимини, шунингдек, ижтимоий фойдали дастурлар самарадорлигини ошириш, ривожлантириш ва халқлар ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг хориждаги ватандошлар билан алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда уларнинг хориждаги уюшмалари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашда янги уфқларни очади.

Фармоннинг асосий мақсади фуқаролик жамияти институтлари фаоллигини ошириш, жамият манфаатларини ҳисобга олиб, жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган ташаббусларни рағбатлантиришдан иборат. Бу жамиятдаги ҳар бир фуқаронинг ўз фикри ва ташаббуслари билан фаол иштирок этишини таъминлашга йўналтирилган. Давлат ва жамият ўртасидаги ижтимоий шерикликни ривожлантириш, фуқароларнинг фаоллигини ва давлат органлари билан ҳамкорлигини кучайтириш жуда муҳим ҳисобланади.

Фармонда фуқаролик жамияти институтларини молиявий ва моддий қўллаб-қувватлашни ошириш жиҳатлари ҳам ўрин олганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу эса мақсад ва вазифаларга эришишни анча осонлаштириб, кўрсатилаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларга қулай ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратиш, жамиятдаги барча соҳаларда фаолият юритиш имконини беради.



Қобилжон Собиров,
ШҲТ Халқ дипломатияси маркази директори (Ўзбекистон)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чоралари тўғрисидаги фармони, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти мамлакатлари ўртасида ўзаро ишонч, яхши қўшничилик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш мақсадларига тўғри келади. Фуқаролик жамияти, аслида, барчамизни бирлаштирадиган муҳим платформа, оддий инсонлар ва давлат ўртасида ўзига хос мулоқот майдонидир. Кенг қамровли мулоқот эса демократик тараққиёт муваффақиятининг калитидир.

Фуқаролик жамияти тузилмаларини ШҲТнинг мақсад ва вазифалари амалга оширишга кўмаклашувчи, Ташкилот доирасидаги барча жараёнларда фаол иштирок этувчи кучга айланиши мумкин. Фуқаролик жамияти институтлари ва жамоат ташкилотлари ШҲТ доирасидаги самараралари:

Биринчидан, фуқаролик жамияти тузилмалари ташкилотнинг устувор сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий ва маърифий лойиҳаларини халқчил ўлчов орқали тарғиб этиши оддий инсонлар манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилиши мумкин.

Иккинчидан, мазкур фармонда таъкидланган хориждаги ватандошлар билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг энг фаол вакилларини ҳар йили декабрь ойининг биринчи ҳафтасида ўтказилиши белгиланган “Фуқаролик жамияти ҳафталиги”га таклиф этиш, давлат органлари ва ватандошлар жамиятлари билан очиқ мулоқот платформасини яратишга хизмат қилиши табиий.

Учинчидан, охирги беш йилда ШҲТ доирасидаги халқ дипломатияси марказлари сони 6тага етди. Ҳозирда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун доимий маслахат кенгашини тузиш, раҳбар органи, низоми, дастури, йил давомида турли давлатларда ўтказиладиган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш тақозо этмоқда.

Умуман олганда, халқ дипломатияси фуқаролик жамияти институти сифатида миллий манфаатларни илгари суриш ва халқаро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнамоқда. Сўнгги йилларда халқ дипломатияси халқаро муносабатларнинг асосий омилларидан бирига айланиб улгурди.

ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИГАН ҚАДАМ





Бахит Рустемов,
Халқаро халқ дипломатияси ҳамжамияти президенти (Қозоғистон)

Глобал ўзгаришлар ва чақириқлар шароитида фуқароларнинг қарор қабул қилиш жараёнида ва ижтимоий ривожланишда иштирокини таъминловчи институтларни мустаҳкамлаш жуда муҳимдир. Давлат тузилмаларининг нодавлат ташкилотлари билан мулоқоти — демократия ва барқарор ривожланишнинг асосий элементидир.

Хусусан, “Фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қўшган ҳисса учун” мукофотининг жорий этилиши фуқаролик фаолликни тан олиш ва қўллаб-қувватлашнинг муҳим рамзи бўлади. Ушбу ташаббус давлатнинг жамият билан очиқ ва инклюзив мулоқотга тайёрлигини кўрсатади, бу эса самарали бошқарув ва ҳукумат билан халқ ўртасидаги ишончнинг асоси ҳисобланади.

“Фуқаролик ташаббуси” миллий мукофотини ва “Олтин қалам” нуфузли танлови доирасида махсус номинацияни жорий этиш фаол фуқаролик иштирокини шакллантириш йўлидаги муҳим қадамдир. Фуқаролик ташаббусларининг миллий даражада тан олиниши давлат ва фуқаролик жамияти ўртасидаги янги ҳамкорлик шаклларини ривожлантиришни рағбатлантиради.

Ишонаманки, Фармонда кўрсатилган чора-тадбирлар фуқароларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши ва жамиятнинг турли қатламлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни яхшилаш учун қулай муҳит яратишга ёрдам беради.



Динара Жумабаева,
Чингиз Айтматов номидаги Халқаро Иссиқ- кўл форуми вице-президенти (Қирғизистон)

Бу ҳужжат Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш борасидаги жиддий ёндашувини кўрсатади бу эса фаол, очиқ ва адолатли жамият қуриш йўлидаги муҳим қадамдир.

Аввало, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасида ижтимоий шерикликни ривожлантириш, шунингдек, Жамоат фонди маблағларининг очиқ-ошкора бошқарилишини таъминлайдиган Парламент комиссиясини ташкил этиш борасидаги илғор ташаббусларини алоҳида таъкидламоқчиман. Бундай қадамлар барқарор ривожланиш ва ижтимоий тараққиётнинг асосий омили бўлган, жамият ва давлат ўртасидаги ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Шунингдек, фуқаролик жамияти институтларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш борасидаги чораларни олқишлайман. Ушбу ташаббуслар, айниқса, таълим, тиббиёт, экология ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳаларида фуқароларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун янги имкониятлар очади.



Светлана Смирнова,
Евроосиё ва Африка халқлари Ассамблеяси Бошқарув кенгаши раиси (Россия)

Янги кўп қутбли дунё шаклланаётган бир шароитда ҳар бир мамлакатнинг давлат ҳокимияти органлари олдида ҳам, муҳим бирлаштирувчи ресурс сифатида фуқаролик жамияти олдида ҳам янги вазифалар турибди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонини қабул қилиши алоҳида ҳурматга сазовордир.

“Ўзбекистон – 2030” стратегияси ва 2021–2025 йилларга мўлжалланган фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида давом эттириладиган режа доирасида, ушбу Фармон Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Янги Фармон давлат ва нодавлат ташкилотларининг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва бир-бирини тўлдириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни ривожлантириш механизмларини янада мустаҳкамлаш имконини беради. Фуқаролик жамияти институтларини рағбатлантириш бўйича Фармонда белгиланган Олий Мажлис ҳузурида Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш ташаббусини жуда муҳим деб ҳисоблайман.

Фармон орқали истиқболли режалар белгиланди, улкан имкониятлар берилди. Ўзбекистондаги ҳамкасбларимизга Президент Фармонида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда зафарлар тилаб қоламан.



Бану Нургазиева,
Фуқаролик Алянси президенти Халқ дипломатияси маркази корпоратив жамғармаси раиси (Қозоғистон)

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фуқаролик жамиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш бўйича кўрсатилган ташаббус «Қозоғистон Фуқаролик Алянси» ассоциацияси томонидан юқори баҳоланади. Фармонда ижтимоий аҳамиятга эга дастурлар самарадорлигини оширишга оид муҳим масалалар кўтарилган.

Имзоланган Фармонда, 2021-2025 йилларда илгари қабул қилинган Фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишни давом эттириш, шунингдек, мамлакатда фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш назарда тутилган..

Фуқаролик жамияти фаоллигини ошириш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ва гуманитар соҳаларни ривожлантиришда уларнинг салоҳиятидан тўлақонли фойдаланишга катта эътибор қаратилган.

Албатта, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро манфаатли ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш, фуқаролик жамияти томонидан самарали жамоатчилик назоратини амалга оширишни рағбатлантириш давлат томонидан қўллаб-қувватланаётгани қувонарлидир.

Ўзбекистон Президенти томонидан белгиланган вазифалар, албатта, мамлакат ва фуқаролик жамиятининг янада ривожланиши учун муҳим рағбат бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда ШҲТ халқ дипломатияси маркази томонидан тайёрланди.



БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН ФАРЗАНДЛАРИМИЗ...

(Боши 1-саҳифада)

Жумладан, айрим қозоқ зиёлиларига қулоқ осилса, Марказий Осиё тарихидаги энг катта империялар уларга тегишли эканини даъво қилишади. Чингизхондан то Ялангтўш Баҳодиргача бўлган кўплаб саркардалар қозоқ бўлиб чиқади. Баъзи бир қирғиз олимлари бутун инсоният цивилизациясини қирғизлар билан боғлашга ҳаракат қилади. Қорахонийлар, Маҳмуд Кошғарий. Юсуф Хос Ҳожиб... Баъзи қирғиз оғаларимиз ҳатто Амир Темурнинг қирғиз бўлганини «исботлаб» чиқишди. Туркман тарихчилари Жалолиддин Мангуберди, Муҳаммад ал-Хоразмий, Маҳмуд аз-Замахшарий сингари марказий осиёлик олимларнинг “туркман замини алломалари”-дея эътироф этишади. Тожикистонлик баъзи зиёлилар орасида эса, туркий халқларга паст назар билан қараш, бутун Турон цивилизациясини орийлик назариясига боғлаш одат тусини олган. Уларнинг даъвосича, Марказий Осиё, унда яшаган деярли барча аллолар, бутун давлатчилик асослари, маданият, архитектура форсийзабон халқларга тегишли. Туркийлар эса, саҳродан келиб, уларнинг шаҳарлари, маданияти, илм-фан ва адабиётига эга чиққан келгиндилар, холос...

Бу билан ўзимизда бундай шовинистик қарашлар йўқ демоқчи эмасман. Бизда ҳам бундай даъволарни истаганча топиш мумкин. Бундан минг йиллар Ватанимиз ҳудудида яшаб ижод қилган олимлар, мутафаккирлар, саркардаларни фақат ўзбекларгагина тегишли деб, бошқаларни кўз очирмайдиган “олиму орифлар” ўзимизда ҳам истаганча топилади.

Албатта бунақа баҳсларга икки оғиз гап ёки бир-иккита мақола билан нуқта қўйиш қийин. Аммо, битта ҳақиқатни унутмаслик керак. Бугунги ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман, қорақалпоқ ва бошқа этнонимлар тарихи биз даъво қилганимиздек у қадар тарихий эмас.

Масалан ўзбек дейилганда, бундан беш-олти аср илгари бугунги халқимизнинг фақат келиб чиқиши Дашти Қипчоқ туркларига бориб тақаладиган, асосан қипчоқ лаҳжасида сўзловчи қисмигина тушунилган. Аждодларимизнинг аксарияти тор маънода турли уруғ ва қабилалар номи билан, кенгроқ қамровда эса турк номи билан аталган. Жумладан Алишер Навоий ўзбекларни туркий халқларнинг бир қисми сифатида бир неча бор меҳр ва муҳаббат ила тилга олса-да, ўзи ижод қилган тилни ўзбекча эмас, туркча деб атаган, шу тил равнақи ва мақоми учун курашган.

Навоий яшаган даврда ҳозиргидек ўттиздан ортиқ туркий адабий тиллар бўлмаган. Хитой деворидан то Болқон ярим оролига қадар ҳудудда ёйилган туркий халқлар учун адабий тилнинг асосан икки хил талқини бўлган. Навоий талқини билан айтганда бу тиллар туркий ва туркмоний (ўғуз ва қарлуқ туркийси) деб аталган. Бугунги туркологияда бу тиллар ғарбий ва шарқий турк тили ҳам деб аталади.

Лутфий, Атоий, Саккокий, Гадоий, Алишер Навоий, Бобур сингари шоирларимиз айнан туркий ёхуд европалик олимлар таъбири билан айтганда шарқий туркча ёхуд чиғатой тилида ижод қилишган. Улар ижод қилган даврда “ўзбек тили” атамаси” мавжуд эмасди. Ўзбекча ёки ўзбек тили лингвоними ҳам айнан 1918 йилда Туркистон Мухторияти қонга ботирилиб, 1924 йилда миллий республикалар, жумладан Ўзбекистон ССР ташкил қилинганидан кейин оммалашди. Худди шунингдек, ана шу бўлиниш натижасида туркман, қозоқ, қирғиз, тожик, қорақалпоқ тиллари алоҳида тил сифатида шакллантирилди. Совет мафкураси ва сиёсати таъсирида ушбу халқларнинг ўз тарихи, адабиёти, маданияти “яратилди”. Улар ўртасида чегаралар қўйиб чиқилди, тарихий шахслар, олимлар, шоирлар, мутафаккирлар “тақсимланди”.

Биз ана шу “тақсимот”га кўра ўз тарихимиз ва маданиятимизни ўргандик. Иттифоқ парчаланса-да, миллий мафкуравий чегаралар йўқолмади, аксинча тафовутлар янада бўрттирилди. Ҳар бир мамлакат ўзининг қадимийлиги ва маданияти билан бошқалардан кўра устунроқ эканини кўрсатишга урина бошлади. Бунда, албатта, “миллатпарвар” зиёлиларнинг ҳиссасини алоҳида таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон майдони жиҳатидан Марказий Осиёда у қадар катта ҳудудни эгалламаса-да, тарихий маданий марказларнинг асосий қисми бизда қолган. Бу албатта қувонарли ҳол. Шунинг учун бизнинг алломаларимиз, қаҳрамонларимиз бошқаларга қараганда анча кўпроқ, маданиятимиз ҳам қадимийроқ ва бойроқ.

Ҳа, ўзбек тили, ўзбек адабиёти деган тушунчаларнинг илдизи у қадар чуқур эмас. Аммо, тан олиш керакки, бугунги адабий тилимиз бевосита биз юқорида тилга олган Навоий, Бобур сингари шоирларимиз ижод қилган мумтоз туркий тил, чиғатой тили устига қурилган. Моваройннаҳр, Хуросон, Эрон, ҳатто Мисргача бўлган ҳудуддаги юзлаб туркий обидалар ана шу тилда битилган. Ҳатто бир ярим минг йиллик тарихга эга, Ўрхун-Энасой обидалари битилган кўктурк тилига бугунги туркий тиллар орасида лингвистик жиҳатдан энг яқини ҳам бугунги ўзбек адабий тили, десак адашмаймиз.

Тилимизнинг асосини ташкил этган чиғатой тили қадимий Туркистон ҳудудидаги бошқа халқлар учун ҳам асосий адабий тил вазифасини ўтаган. Қорахонийлар давридан тортиб, хоразмшоҳлар, Чиғатой улуси, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, ўзбек хонликларида давлат ҳужжатлари туркий (чиғатой) ва форсий тилларда юритилган. Ҳатто қўшни сафавийлар, қожорлар, оққўюнлилар давлатида ҳам чиғатой ёки шарқий туркчада илмий ва бадиий асарлар яратилган.

Бугун туркман, қозоқ, қирғиз, қорақалпоқ халқлари миллий адабиётининг вакиллари сифатида танилган кўплаб шоирлар ва тарихчилар ҳам Навоий фойдаланган туркийда, (уни шарқий турки тил, чиғатой тили, ҳоқоний лаҳжаси ёки эски ўзбек тили дейилса ҳам моҳият ўзгармайди) битишган. Буни мен ҳар доим баралла айта оламан.

> **Ҳа, ўзбек тили, ўзбек адабиёти деган тушунчаларнинг илдизи у қадар чуқур эмас. Аммо, тан олиш керакки, бугунги адабий тилимиз бевосита биз юқорида тилга олган Навоий, Бобур сингари шоирларимиз ижод қилган мумтоз туркий тил, чиғатой тили устига қурилган.**

Мисол тариқасида Махтумқулининг отаси, буюк туркман шоири Давлатмамат Озодий ижодидан мисол келтирсак:

Илоҳи, қулларингга ёри бергил,
Қилиб эҳсон беҳишт гулзори бергил.
Насиб эт хайр қучмоқни қулингга,
Миниб от анда учмоқни қулингга.

Қорақалпоқ мумтоз адабиётининг йирик варик Ажиниёз Қўсибой ўғлининг мана бу шеърларига эътибор қаратинг:

Қора кўзли, ширин сўзли дилбарим,
Сендан ўзга севар ёрим йўқ менинг.
Тоза гулистоним, моҳи анварим,
Ҳасратингдан
ҳеч қарорим йўқ менинг.

Қирғиз ёзма адабиётининг илк намунаси сифатида тан олинган, 1910 йилда Қозонда араб ёзувида нашр қилинган Мулла Қиличнинг “Қиссаи зилзила” асарида ҳам чиғатой тили унсурлари яққол сезилади:

Тоғ бузилиб, тош қулаб,
ер ёрилиб, жар нураб,
Ит битгандай бариси,
улиб, ўнгшиб, чирқираб,
Жон олғучи келгандай
чўчиб турдик зирқираб...

Қозоқ ёзма адабиётининг дурдоналаридан саналадиган Қодиралибек Жалойирийнинг “Жомеъ ут-таворих” асарининг катта қисми Рашидуддин Фазлуллоҳнинг шу номли асари туркий таржимаси саналса-да, унга муаллиф ўз даврининг кўплаб воқеаларини киритади. Бу асарга татарлар ҳам бизники деб даъво қилишади. Қарийб беш аср бурун битилган бу китобнинг тилига эътибор қаратсак кўп нарса ойдинлашади: “Одил келуб, золим кетар белгуси, кеча кетуб, кундуз бўлур, булут орасиндин куннинг кўзи кўринур...”

Ҳатто, мумтоз Озарбайжон адабиёти бошқа бир қатор туркий халқлардан кўра бой ва қадимийроқ бўлса-да, бу адабиёт вакиллари орасида ҳам чиғатой тилида ижод қилган шоирлар кўп бўлган. Улардан бири Шоҳ Исмоил Хатоий эди. Мана унинг бир байти:

Хоки пойинг, дилбаро,
бир тожи давлатдур манга,
Бас, юзинг кўрмак сенинг
бахту саодатдур манга...


...Бу шеърларнинг ҳеч бири таржима эмас, араб алифбосида битилган асарларнинг бугунги ўзбек алифбосидаги талқини, холос. Ўз даврида бу асарларни муаллифлари араб хатида бир хил орфографик қоидалар асосида ёзганлар. Ўтган асрнинг 20-йилларида яратилган фарқли алифболар сабаб бу шоирлар ижоди, тили ёзуви уларга тегишли деб топилган халқлар тилига мослаштирилган, холос.

Ҳали бу дарёдан бир томчи. Бундай мисолларни юзлаб келтириш мумкин. Фақат хулоса қилишга ошиқманг. Бу билан қардош халқларнинг шоирларини “ўзбеклаштириш” ниятим ҳам йўқ. Фақат битта гап: Ўрта асрларда туркий дунёнинг шарқий қисмида битта асосий адабий тил бор эди. У ҳам бўлса бугунги ўзбек адабий тилининг асосини ташкил қилган Чиғатой туркийси. Албатта, минтақадаги барча туркий халқлар ўз тилида сўзлашган, халқ оғзаки ижоди ривожланган, ўланлар, достонлар яратилган. Аммо, барча туркий халқлар учун лингва-франка, яъни ёзма мулоқот тили ана шу шарқий турк тили эди.

Бу тил фақат ўзбекларга, бизнинг боболаримизга тегишли деб жар солиш ҳам тўғри эмас. Чунки юқорида кўрганимиздек, бошқа халқларнинг мумтоз адабиёти вакиллари ҳам шу тилда ижод қилишган.

Хулоса эса битта: минг ўзимиздан даҳо ясашга интилмайлик, ҳаммамизнинг тарихимиз, тилимиз, ўзагимиз бир. Бугун ўзимизни улуғлаб, бошқаларни ерга уриш орқали бир-биримиздан душман ясаб, ҳақиқий ёвга тизгинни бериб қўймайлик.

Рустам ЖАББОРОВ



ҲАМЗА КИМ БЎЛГАН?

Шўролар замонида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий ижоди ўша давр руҳига монанд тарғиб этилганлигини 1977-1984-йилларда суратга олинган ўн саккиз қисмли “Оловли йўллар” фильми мисолида яққол кўриш мумкин. Ҳатто бир қатор шеърлари қўшиқ қилиб куйланганлигини катта авлод вакилларидан кўп бор эшитганмиз. Аммо, бизнинг кунларимизга келиб, шоирнинг номи ҳам, шеърлари ҳам эшитилмай қолди. Бунинг сабабини ёзувчи Набижон Боқийнинг “Кизил тошбўрон” ҳужжатли романини ўқиганимда англагандай бўлдим.

Асар бошида бир хуфя Ҳамза СССРнинг қора рўйхатида турганлиги ҳақида сўзлайди. Демак,у хар куни хуфялар томонидан кузатилиб, доимий таъқиб остида яшаган. Очган мактабини ёпиб, ўзи чекка ҳудудларга юборилиб, зиммасига оғир вазифалар юкланган. Шоир вафотидан сўнг яна тилга тушди. Унинг “Яша Турон, яша Турон, сен яшайдиган замон” номли шеъри “Яша Шўро, яша Шўро, сен яшайдиган замон” дея ўзгартирилиб, куйлана бошланди. Шунинг ўзи шўроларга Ҳамзанинг тиригидан ўлиги фойдалироқ эканини кўрсатмайдими? Вафотидан олдин ўзбек халқининг ҳуриятини орзу қилган, ўзбек болаларининг билимли бўлишлари учун мактаб ва кутубхоналар очиб, дарсликлар ёзган Ҳамза ўлимидан сўнг шўролар тарафдорига айлантирилади. Шеърлари ўзгартирилиб, шўро тузуми мадҳ этилади.

“Оловли йўллар” филми эса Ҳамзага “Аёллар паранжисини ташлатиб, уларни жамиятга қўшган қаҳрамон” номини берди. Аслида паранжини ташлашга бўлган ҳаракат “ҲУЖУМ” деб номланиб, 1924 йилда бошланган ва муваффақиятиз тугаган. Шундан сўнг марказий қўмитанинг биринчи котиби Исаак Абрамович Зеленский ташаббуси билан 1927 йил Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида 2500 нафарга яқин хотин-қиз паранжиларини ёқишади. Бу вақтда Ҳамза она юрти Фарғонанинг Аввал қишлоғида эди. Кўриниб турибдики, аёлларнинг паранжи ташлашларига Ҳамзанинг мутлақо алоқаси йўқ. Унда Ҳамзанинг тошбўрон қилинишига сабаб нима?

Маълумки, 1928 йилда Ҳамза Шоҳимардонга колхоз тузиш учун юборилади. У борган куниданоқ ҳазрати Алининг рамзий қабрига қўтосларнинг думини осиб, динни ниқоб қилиб, одамларни чув тушираётган “пешволар”га қарши кураша бошлайди. Шундан сўнг Шоҳимардон муллаларининг пайтавасига қурт тушиб Ҳамзани ўлдириш пайига тушиб қоладилар. Ҳатто Қўқон муллаларига маслаҳат сўраб хат ҳам ёзадилар. Қўқондан эса “Шундай қилингларки, биз очкўзлигингиз касрига қолмайлик. Бизни арзонга сотмайдиган одамларни ёлланглар” мазмунида хат келади.

Бир кун Ҳамза зобитларга рамзий қабрдан қўтоснинг думини олдираётганида, унинг душманлари шу яқин атрофдаги бўзахонада бўза ичиб, маст бўлиб ётган одамларни ишга солиб ғалаён кўтаришади. Тўполонни бостиришга уринаётган Ҳамзани кўрсатиб асл айбдор шу дейишади. Кўзлари қонга тўлган маст бир йигит бу гапни эшитиб, Ҳамзага пичоқ санчади. Шоирнинг ерга йиқилганини кўрган оломон қўлларига тош олиб ҳушсиз ётган Ҳамзага отадилар ва устидан юриб мажақлаб ташлайдилар. Ҳамза ўзи лойиқ бўлмаган тарзда таҳқирланиб, ўлдирилади.

Бу шубҳасизки, шўроларга қўл келади. Уни шўроларнинг одамига айлантириш учун ватанпарварлик ва диний руҳдаги асарлари яширилиб, ўзи Худосиз қилиб кўрсатилади. Аслида у саводини мадрасада чиқариб, 20 ёшида ҳожи мақомига эришган. Бироқ шўролар халқ онгига буларнинг тамоман аксини сингдирган. Ўзини яхши кўрсатиш учун жойларга номини қўйишган.

2014 йилнинг 29 августида “Халқ сўзи газетасида чоп этилган мақолада Ҳамза қораланган. Бу эса халқимизнинг Ҳамзага бўлган нафрати янаям ошириши турган гап. Ҳақиқатни ёритиши керак бўлган журналист ҳеч қандай исботсиз Ҳамзага туҳмат тошларини отади. Бу ҳам етмагандай “Ҳамза деган исмни тилга олишга ҳам ҳазар қиламан” мазмунидаги фикрни билдиради. Бундай фикр билдиришнинг ўзи журналистни тарихдан қанчалар бехабар эканини кўрсатмайдими? Шунингдек, мақолада жойлардан Ҳамза номини олиб ташлаш таклифи ҳам илгари сурилган. Шу гап таъсири бўлибми, 1968 йилда ташкил этилга Ҳамза тумани 2014 йилнинг 30 августида Яшнабод деб ўзгартирилди. 2015 йилда эса Чилонзор метр йўлининг Ҳамза бекати Новза деб номланди.

Бугун давр ўзгарди, аслида ким оқу ким қора эканлигини кўряпмиз. Йиллар давомида таъқиб ва тақиққа учраганларнинг пешонаси ёруғ бўлди. Номлари қораланган минглаб ватандошларимиз, жадид боболаримизнинг босиб ўтган йўли биз, ёшларга ибрат сифатид кўрсатилмоқда. Ана шундай эзгулик палласида адабиётшунос олимларимиз Ҳамза масаласида ҳам ўз сўзларини айтишлари, ойдинлик киритишлари зарурга ўхшайди. Акс ҳолда бугунги авлод Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг кимлигини билолмай, унинг асарларини ўқишни ҳам, ўқимасликни ҳам билмайди.

Муборак КАРИМОВА,
Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети талабаси.

Ушбу мақола Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг “Ёшларнинг муаммоларини ҳал қилишга, ташаббуслари ва замонавий ғояларини илгари суришга қаратилган лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш” гранти асосида тайёрланди.

Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1010
Адади: 1015.
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Маълумот учун телефонлар:
99-791-43-23
99-994-70-52
98-111-48-29
Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6



Манзарали кўчатлар маркази

Ҳаёт ҳамиша яшиллик билан жилоланиб туради. Ўрмонзору боғу-роғларимиз, дарахтзору гулзорларимиз инсониятнинг тоза ҳаводан тўйиб нафас олишида, энг муҳими, она табиатнинг мусаффолигини авайлаб-асрашда фойдали экологик манбадир.

Шу боис мамлакатимизда табиатни мухофаза қилишга, экологик вазиятни тубдан яхшилашга қаратилган саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда юртимизда “Яшил макон” умуммиллий ҳаракатининг тобора авж олиб бораётганлиги эса ана шу мақсадлар йўлидаги улкан қадамга айланди. Тошкент вилоятининг Бўка туманида жойлашган манзарали кўчатлар марказидаги бугунги қайноқ ҳаёт яшиллик барпо этиш йўлидаги интилишларнинг ёрқин намунасидир.

Бўкалик Баҳодир Солиев тиниб-тинчимас, доимо изланишга одатланган тадбиркор. Бундай қобилият унга отасидан ўтган. Раҳматли падари бузруквори Холмат бобо ишнинг кўзини биладиган, деҳқончилик ва боғдорчиликка меҳри баланд инсон эди. Бўка туманида боғлар барпо этиб, дарахтзорларни кўпайтиришда унинг олдига тушадиган бўлмаган. Ана шу инсон 15 минг туп терак кўчатларини экиб парваришлади, одамларнинг кўзини қувнатадиган ажойиб дарахтзорга айлантирди. Отахон 2016 йилда вафот этгач барча ишлар Баҳодирнинг зиммасида қолди.

Ёш, ғайрати жўш уриб турган тадбиркор йигит асло тушкунликка берилмади. Аксинча унинг вужудида яратиш ишқи, табиатга меҳру муҳаббат туйғуси жўш ура бошлади. Мевали ва манзарали дарахт кўчатларини етиштириш, тайёр бўлган кўчатларни пешма-пеш аҳолига етказиб бериш унинг кундалик одатига айланди. Қараб турибсизки, аҳолининг талаби кундан-кунга орта бошлади. Баҳодир Солиев уч укасини ёнига олиб ишни янада кенгайтиришга, ўзига хос манзарали кўчатлар марказини барпо этишга азму қарор қилди.

Марказ аста-секинлик билан



ўз ишини ривожлантириб кенгайиб борди. Одамларнинг қизиқиши ва эҳтиёжидан келиб чиқиб кўчат етиштириш ишлари тобора қизиди. Ҳозирга келиб марказда 500 хилдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, ярим бута ва гул кўчатлари етиштирилаётганлиги кишини ҳайратга солади. Бу борада Баҳодирнинг якка тадбиркор сифатидаги қобилияти, изланувчанлиги яхши самара бермоқда.

Яқиндан бошлаб эса кооперация усулида маҳсулот етиштириш йўлга қўйилди. Бунинг яхши томони шундаки, тадбиркор туманда фаолият юритаётган томорқа эгаларидан ўзи истаганича уруғларни, қаламча ва кўчатларни харид қилиб олиши мумкин. Албатта, етиштирилаётган қаламча ва кўчатлар марказда ўзига хос танлов асосида қабул қилинади. Бу эса марказда сифатли, харидоргир, аҳолибоп кўчатларни етказиб беришда қўл келмоқда. Одамлар нафақат мевали ва манзарали дарахт кўчатларини, балки ранго-ранг гул кўчатларини харид қилиб олиш имкониятига ҳам эга. Бунга асло шак-шубҳа йўқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз раҳбари томонидан тадбиркорларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва имтиёзлар Баҳодир сингари юртимиз баҳодирларининг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

– Юртбошимиз томонидан табдиркорларга алоҳида эътибор берилаётганлиги айни муддао, – дейди биз билан суҳбатда Баҳодир Солиев. – Ўтган йили марказимизга вилоятимиз ҳокими Зойир Мирзаев ташриф буюриб, керакли маслаҳатларни берди. У киши билан учрашув менда шундай таассурот қолдирдики, демак, бизнинг маркази ҳам вилоятимиз ободлиги ва фаровонлигига, юртимиз равнақига ўзининг муносиб улушини қўшаётган экан. Биз бундан жуда ҳам мамнунмиз.

Ака-укаларнинг аҳил ва иноқлиги Баҳодирга катта куч бағишламоқда. Ботир, Баҳром ва Бобурларнинг акаларига камарбаста бўлиб, марказ ишини янада жонлантираётганлиги кўпчиликнинг ҳавасини келтирмоқда. Ҳақиқатан ҳам шундай. Айтиш жоизки, айни дамда манзарали ва мевали дарахт кўчатларининг харидорлари нафақат Ўзбекистонимизда, ҳатто хорижда ҳам бор. Тожикистон ва Қозоғистон Республикаларидан келиб марказ кўчатларини харид қилаётганлар сони тобора ортмоқда. Айни дамда марказда арча, зангори ел, қрим қарағайи, каштан, чинор, дуб, япон сапураси сингари дарахтларга ҳам харидорларнинг кўпайиб бораётганлиги қувонарлидир.

Яқинда марказ ихтиёрига 22 гектар қўшимча ер майдони ажратиб берилди. Ушбу майдонга 700 минг туп мевали ва 1 миллион тупга яқин терак, павлония қаламчалари экилиб айни кунларда парвариш қилинмоқда. Уларнинг мақсади ягона – халқимизга арзон, сифатли мевали ва манзарали кўчатлар, қолаверса, ёғочбоп дарахтлар етказиб бериш. Келгусида эса етиштирган махсулотларини хорижга экспорт қилишни ҳам мўлжаллаб туришибди. Баҳодир Солиев раҳбарлигидаги ушбу марказда яна қўшимча 50 та янги иш ўрни барпо этиш режалаштирилган. Нияти холис, кўнгли ҳамиша эзгуликка тўла тадбиркорнинг ишлари янада самарали бўлишига ишонамиз.

Ашурали БОЙМУРОДОВ,
“Жамият” махсус мухбири

АЖИНИЁЗ АВЛОДЛАР АРДОҒИДА

Мамлакатимизда буюк аждодларимиз хотирасига эҳтиром кўрсатиш, уларнинг меросини ўрганиш ва тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 16 июлда қабул қилинган “Атоқли қорақалпоқ шоири ва мутафаккири Ажиниёз Қўсибой ўғли таваллудининг 200 йиллигини кенг тарзда нишонлаш тўғрисида”ги қарорида ҳам ана шу эзгу мақсад йўлидаги вазифалар белгиланган.

Қарорда давлат буюртмаси асосида шоир ҳаёти ва фаолиятини акс эттирувчи “Ажиниёз” тарихий, бадиий-публицистик фильмини яратиш ҳам кўзда тутилган.

“Қорақалпоқфильм” ижодкорлари томонидан қарор ижросини таъминлаш бўйича дастлабки ишлар Ажиниёз Қўсибой ўғлининг талабалик даври ўтган тарихий манзил – Хива шаҳридан бошланди. Маълумки, туркман шоири Махтумқули, қозоқ мутафаккири Бекет ота ва бошқа улуғлар сингари Ажиниёз ҳам Ичан қалъадаги Шерғозихон мадрасасида таҳсил олган.

— Таниқли адиб Муратбой Низанов сценарийси асосида тасвирга олинаётган ушбу фильмдаги шоир сиймоси истеъдодли актёрлар Армон Бараков ва Кўпюрсин Алланазаровлар томонидан ижро этилмоқда, — дейди фильм бош режиссёри Қудрат Отажонов. — Биз тасвир жараёнларини амалга ошираётган манзилдаги Шерғозихон мадрасаси, Жомъе масжиди ва бошқа тарихий обидалар кўринишлари ҳеч шубҳасиз, фильм мазмун-моҳиятини батафсил ва жозибадор тарзда очиб беришга хизмат қилади.

Тасвирга олиш жараёнларида киноижодкорларга Ичан қалъа давлат музей-қўриқхонаси, Хоразм вилоят қўғирчоқ театри, Ўзбекистон давлат хореография академияси Хоразм филиали жамоалари ҳамкорлик асосида кўмакдош бўлишмоқда.

Отабек ИСМОИЛОВ

